

4.500.000 ТОННА

„ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИНИ БУНЁД ЭТИШДА ҒАЙРАТ-ШИЖОАТ КЎРСАТГАН АЗАМАТ
ПАХТАКОРЛАРГА, ГВАРДИЯЧИ МЕХАНИЗАТОРЛАРГА ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 229 (4435).

23
НОВАБРЬ

СЕШАНБА
1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

САМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 54 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Совет Иттифоқи меҳнаткашларидан, партия ва жамоат ташкилотларидан, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар ва муассасалар коллективларидан, Совет Армияси ва флотининг жангчиларидан жуда кўп табрикномалар олди. Чет эл коммунистик, миллий-демократик ва сўл социалистик партияларидан, ҳукуматларидан, давлат ва сиёсий эрбобларидан, жамоат ташкилотларидан ва айрим граждандаридан ҳам табрикномалар олинди. Табрик телеграммалари ва мактубларида Улуғ Октябрь байрами муносабати билан энг яхши тилаклар изҳор этилди.

Чет эллик дўстларнинг табрикномаларида КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатидаги ленинча йўлга юксак баҳо берилган, мамлакатимизда коммунизм куриш юзасидан КПСС XXIV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларни бажаришда муваффақиятлар тилаб истаклар билдирилган.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТР-
ЛАР СОВЕТИ

ган. Шу билан бирга съезд ишлаб чиққан ташқи сиёсий программани Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, миллий билан амалга оширатганини коммунистик ҳамдўстликни янада мустаҳкамлашга, жаҳон коммунистик ҳаракатини, барча антиимпериалистик кучларни жипслаштиришга, ялпи тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди, деб таъкидланган.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети совет халқига, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва СССР ҳукуматида кўтовлар ва энг яхши истаклар йўллаган партия, совет ва жамоат ташкилотларига, корхоналар ва муассасаларнинг коллективларига, СССРнинг барча меҳнаткашларига, чет эллардаги коммунистик, миллий-демократик ва сўл социалистик партияларга, ҳукуматларга, давлат ва сиёсий эрбобларга, жамоат ташкилотларига, барча дўстларга сидқидилдан миннатдорчилик билдирадиган.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1971 йил 22 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми очилди.

Пленум СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси ўртоқ Н. К. БАЙБАКОВНИНГ «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги давлат беш йиллик плани тўғрисида ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани ҳақида»ги ҳамда СССР Молия министри ўртоқ В. Ф.

ГАРБУЗОВНИНГ «СССРнинг 1972 йилги давлат бюджет тўғрисида ва 1970 йилги СССР давлат бюджетининг ижроси ҳақида»ги докладларини тинглаб, муҳокама қилди.

Шу докладлар юзасидан бошланган музокара-ларда КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. И. КОНОТОП, Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари И. К. ЛУТАК, КПСС Свердловск область комите-

тининг биринчи секретари Я. П. РЯБОВ, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг раиси Б. АШИМОВ, СССР Енгил саноат министри Н. Н. ТАРАСОВ, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари И. А. БОНДАРЕНКО, Белоруссия ССР Министрлар Советининг раиси Т. Я. КИСЕЛЕВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пировардида шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқ сўзлади.


КПСС Марказий Комитетининг пленуми тегишли қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг пленуми «Партия XXIV съезидан кейин КПСС Марказий Комитетининг халқаро фаолияти тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ докладини тинглади.

Пленум ўз ишини давом эттиради.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги давлат плани, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани, СССРнинг 1972 йилги давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқуллансин ва улар СССР Олий Совети сессиясининг муҳокамасига тақдим этилсин.



УЛКАН ХИРМОНГА
ТОШКЕНТЛИКЛАР
388.000
ТОННАДАН ОРТИҚ
„ОҚ ОЛТИН“ ТЎҚДИЛАР

ОБЛАСТИМИЗ САНОАТ-
ЧИЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат корхона-ларининг коллективлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб ҳамда тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ту-файли меҳнатда қувончли зафарларга эришдилар. Маҳ-сулотни реализация қилиш ва қатор муҳим буюмлар иш-лаб чиқариш бўйича ўн бир ойлик план муддатидан ил-лари — 22 ноябрда тўла бажарилди.

Область саноатчилари ой охиригача яна ўнларча мил-лион сўмлик қўшимча саноат маҳсулоти реализация қилдилар.

КПСС XXIV съездининг тарихий қарорла-рига амал қилаётган Ўзбекистон меҳнаткаш-лари партиянинг халқ олдида қўйган вазифа-ларини зўр завқ-шавқ билан амалга ошир-моқдалар.

Республика ишлаб чиқариш кучларини тўққизинчи беш йилликда ривожлантириш-нинг улкан программаси саноатнинг ҳамма со-ҳаларини янада ўстириш ва реконструкция қилишни, маҳсулот ишлаб чиқаришни қарийб бир ярим баравар кўпайтиришни, рангли ме-таллургия, химия саноати, машинасозлик кор-хоналарини ғоят ривожлантиришни, енгил ва озиқ-овқат саноатининг ўсиш суръатларини икки баравардан зиёдроқ оширишни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши маҳсулотини кўпай-тириш ва унинг механизациялаш даражасини оширишни кўзда тутди.

Ушбу программанинг муваффақиятли амал-га оширилиши жуда муҳим социал-сиёсий ва-зифанинг ҳал қилиниши — ҳозирги замон фан-техника революцияси шароитларида икки-юкчи меҳнат қилишга ҳар томонлама тайёр бўлган малакали ишчи кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш билан бевосита боғлиқдир.

Бунда хунар-техника таълими системаси катта роль ўйнайди. Совет ҳокимияти йилла-ри мобайнида республика хунар-техника би-лим юртларида турли ихтисосдаги салкам 500 минг малакали ишчи тайёрланди, шундан 170 мингдан кўпроги саноатнинг беш йиллик мо-байнида тайёрланди. Ҳозир республикада 131 хунар-техника билим юрти бўлиб, уларда 48 мингдан кўпроқ талаба ўқиймоқда. Ўрта маъ-лумотли малакали ишчилар тайёрлайдиган ўрта хунар-техника билим юртлари тармоқла-рини ривожлантиришга асос солинди. Билим юртларини битириб чиққанлар саноат корхо-наларида, қишлоқ хўжалигида, қурилишда ва бошқа ташкилотларда сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар, улар орасида ишлаб чиқариш новаторлари ва илгорлари кўп.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Ми-нистрлар Совети таъкидлайдиларки, респу-бликада хунар-техника таълимини ривожлан-тиришнинг ҳозирги даражаси ҳали ҳам замон

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ИШЧИ СИНФИ ЁШ АВЛОДИГА ҒАМХЎРЛИК

Хунар-техника таълимини янада ривожлантириш
ва республика халқ хўжалигини малакали
ишчи кадрлар билан таъминлаш тўғрисида

таалаблардан орқада қолмоқда, халқ хўжали-гининг хунар-техника билим юртларини бити-рувчилар ҳисобига малакали ишчи кадрлар-га бўлган эҳтиёж яхши қондирилмаётган.

Малакали ишчи кадрларга катта эҳтиёж сезаётган кўпчилик министрликлар ва идора-лар бу кадрларни хунар-техника таълими сис-темасида тайёрлашга етарли эътибор берма-ётдилар. Чунончи, ўтган беш йилликда кўзда тутилган 26,5 минг ўринли ўқув юртларидан атити ярми ишга туширилди. Шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида напсилт маблағлари-нинг ниқоят 60 проценти ўзлаштирилди.

Баъзи партия ва совет органлари хунар-тех-ника билим юртлари қурилиши, уларнинг мод-дий базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия иш-ларини яхшилаш масалаларига кўн сайин

эътибор бермаётдилар, хунар-техника билим юртлари учун раҳбар, инженер-педагог кадр-лар танлаш ва тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилмаётдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Хунар-техника таълими давлат комитети, би-лим юртларининг партия, касба союзу ва ком-сомол ташкилотлари ўқув-тарбия, спорт, ма-даний-оммавий ишларни такомиллаштириш, ўқувчиларнинг турмушини яхшилашга доир ишлар билан етарли шугулланмаётдилар, иш-лаб чиқариш таълими ўқитувчилари ва мас-терларини танлашга кам эътибор бераётдилар. Хунар-техника билим юртларидаги ишлаб чи-қариш таълими ўқитувчиларининг бир қисми, мастерларнинг 37 процентидаги тегишли маъ-лумоти йўқ, ўқитувчиларнинг учдан бир қис-мига яқини ўриндошлик билан ишлайди, қў-нимсизлик катта.

Корхона, қурилиш ва ташкилотларнинг раҳ-барлари ёш ишчилар ҳақида, уларнинг тур-бияси ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётган-ликлари оқибатида хунар-техника билим юрт-лари битирувчилари орасида қўнимсизлик ҳоллари юз бермоқда. 1970 йилнинг ўзида «Ташсельмаш» заводидан 304 ишчи, Фарғона тўқимачилик комбинатидан эса 83 киши кетиб қолди.

Республика ёшлари ўртасида хунар-техника таълими етарли тарғиб қилинмаётган, ёшлар-да меҳнатга ва ишчи касбларига муҳаббат етарли тарбияланмаётган. Ёшларнинг касб-ху-нар танлаши бўйича тузилган республика идора-лараро, область, шаҳар ва район кенгашла-ри суст иш олиб бормоқда.

Саноатнинг синфларини битирган ёшларни хунар-техника таълими системасига кенг жалб этишга тўқнашлик қилаётган сабаблардан би-ри — республикада малака билан бирга умум-ий ўрта маълумот берадиган ўрта хунар-тех-ника билим юртлари тармоқларининг суст ривожланганлигидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-тети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ху-нар-техника таълими давлат комитети, об-ласть, шаҳар, район партия комитетлари, Но-вардаловнинг АССР Министрлар Совети, меҳ-наткашлар депутатлари область, шаҳар, рай-он Советларининг иқроия комитетлари, минис-трликлар ва идоралар, касба союзу ва комсо-мол ташкилотларини зиммасига ана шу ҳамма камчиликларни бартараф этиш, республика халқ хўжалигини малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш учун ёшларга хунар-техника таълими беришни тўбдан яхшилаш вазифаси-ни юклайдилар. Республикда хунар-техника таълимининг бутун системасини янада ривож-лантириш ва такомиллаштириш, ўрта хунар-техника билим юртлари тармоғини кенгайти-риш — партия ва совет органлари, министр-ликлар ва идоралар, касба союзу ва комсо-мол ташкилотларининг энг муҳим вазифала-ридан биридир.

(Давоми иккинчи бетда).

